Бутун дунё пролетарлари, бирлашинг!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ● № 66 (9562). ● 1989 йил 5 апрель ● чоршанба ● Баҳоси 3 тийин.

Озиқ-овқат программаси—умумхалқ иши

4 МИНГ КИЛОГРАММЧИЛАР КЛУБИ

Бундан икки йил муқаддам область Советн ижроия комитети ва область касаба союзлари Советн қарори билан машинада сут соғиш усталари клубн ташкил этилган эди. Ҳозир 93 нафар сут соғувчи клуб аъзосидир. Уларнинг ҳар бири ўтган йили 4 минг килограммдан ошириб сут соғиб олди. Клуб аъзолари сони 1987 йилга нисбатан 7 кишига кўпайди.

Айниқса, Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозидан Ф. Гаязова, Г. Матнгулина, «Чиноз» совхоз-техникумидан Н. Юлдибоева, Н. Юсупова, Паркент районидаги «Коммуна» совхозидан С. Нуриддинова ўзларнга бириктирилган ҳар бир сигирдан 5 минг килограммдан ошириб сут соғиб олиб, рекорд кўрсаткичга эришдилар. Илғорлар ҳисобига клуб аъзолари сафи яна ҳам кенгайди. Область агросаноат комитетн коллегнясн ва агросаноат комплекси ходимлари касаба союзи область комитети президиуми қарори билан ҳар бош сигирдан 5 минг килограмм ва ундан ошириб сут соғиб олганларга 100 сўмдан, ҳар бир сигирдан 4 минг килограмм ва ундан ошириб сут соғиб олганларга эса 50 сўмдан мукофот пули тақдим этилади. Бундан ташқари клуб аъзолари санаторийлар, дам олиш уйлари ва туристик базаларга бепул йўлланмалар билан тақдирланадилар. Уларнинг фарзандларига эса пионер лагерларига ёзги каникулларини соз ўтказишлари учун бепул йўлланмалар берилади.

КУБАГА ВИЗИТ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ГАВАНА, 4 апрель. (ТАСС махсус мухбирлари). Бу ерга расмий дўстлик визити билан келган М. С. Горбачев Гавана паркида ўрнатилган В. И. Ленин ҳайкали пойнга душанба куни тушдан кейин гулчамбар қўйди.

М. С. Горбачев билан Ф. Кастро автомашинадан тушиб, ҳайкал томон йўл оладилар. Тантанали дақиқа бошланади. Куба Республикаси билан СССРнинг давлат гимнлари янграйди. Совет раҳбари лентага: «Улуғ Ленинга — М. С. Горбачевдан» — сўзлари ёзилган гулчамбарни қўяди.

* * *

Шу куни совет делегацияси республиканинг социал-иқтисодий ривожланишига бағишланган «Экспокуба» кўргазмасида бўлди. 24 та павильондан иборат шу кўргазма комплекси ишлатганига атиги уч ой бўлди. Кўргазма Куба революцияси ғалабасининг 30 йиллигига бағишланиб очилди. Қисқа муддат ичида 400 мингдан кўпроқ киши уни келиб кўрганлиги кўргазма кубаликларда ва чет эллик меҳмонларда зўр қизиқиш уйғотганлигидан далолат беради.

Совет ва Куба раҳбарлари кўргазманинг марказий павильонида фан ва техниканинг ривожланиши тўғрисида тасаввур берувчи экспонатларни томоша қилдилар.

Ф. Кастро экспонатлардан бирига меҳмонларнинг эътиборини жалб қилди. Бу — кубалик олимлар ишлаб чиққан «Сума» микроанализ системаси бўлиб, у қонни клиник анализ қилишга мўлжалланган. Ўтган йилнинг декабрь ойида зилзила жабрдийдаларига ёрдам бериш учун Арманистонга жўнаган кубалик врачлар бригадаси ўзи билан ана шундай системани олиб кетган эди. Ўша самолётда плазманинг катта бир туркуми ҳам армонлар диёрига етказиб берилганди.

«Электроэнергетика» павильонида меҳмонлар Кубадаги биринчи «Хураргуа» атом электр станцияси макети олдида тўхташади, ана шу электр станция СССРнинг техникавий ёрдами билан Сьенфуэгос шаҳрида барпо этилмоқда. АЭСдаги тўртта энергоблокдан ҳар бирининг қуввати 440 мегаватни ташкил этади.

«Электроника» павильонида автоматлаштириш ва ҳисоб техникаси миллий институтининг директори Самуэль Саварьего ЭҲМлар учун клавиатураларни, видеотерминалларни ишлаб чиқариш ва программавий таъминлаш — Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида Куба электрон саноатининг ихтисослашуви тўғрисида гапирди. Шу йилнинг охиригача Гаванадаги «ЭМКО» корхонасида Совет Иттифоқига экспорт қилинадиган 20 мингта дисплей йиғилади.

М. С. Горбачев билан Ф. Кастро Совет ва Куба конструкторларининг биргаликдаги куч-ғайратлари билан яратилган «КТП-2» шакарқамиш ўриш комбайнини кўздан кечирдилар. Куба раҳбари мана шу қудратли машинанинг яратилиши қанд-шакар саноати соҳасидаги энг муҳим ютуқлардан бири бўлганлигини қайд этиб ўтди. Бу йилги шакарқамиш ўрими мавсумида ишлатилаётган комбайнларнинг умумий сони 4 мингтадан ошади. Ҳозирги вақтда анча серунум учинчи авлод машиналари ишлаб чиқилмоқда.

* * *

Кечқурун Ф. Кастро М. С. Горбачев билан унинг рафиқаси шарафига расмий қабул маросими уюштирди. Унда совет делегациясининг аъзолари, Куба партия ва давлат раҳбариятининг аъзолари ҳозир бўлдилар.

Қабул маросими вақтида М. С. Горбачев Куба раҳбарининг Винница шаҳридан уруш ва меҳнат ветерани В. А. Дмитриев ишлаган портретини унга топширди.

М. С. Горбачев совет телевидениеси мухбири билан суҳбатда визит қандай давом этаётгани тўғрисида сўзлаб берди. У, жумладан, қуйидагиларни айтди:

Гарчи биз Кубада эндигина бир сутка бўлишимизга қарамай, жуда катта таассуротлар олдик. Мамлакатимиздагиларнинг кубаликларга, Куба революциясига, Фиделга нисбатан қандай муносабатда эканликларини биламиз. Бу ердагилар бизнинг одамларимизга қандай самимий муносабатда эканликларини кеча биз яна бир бор ҳис этдик.

Фидель билан, бошқа ўртоқлар билан бизнинг ўртамизда интенсив, деярли узлуксиз музокаралар олиб борилмоқда. Биз бунинг учун ҳар қандай имкониятдан фойдаланяпмиз. Менимча, музокараларнинг учдан бир қисми машинада ўтмоқда.

Ф. Кастро: Мавзу кўпу аммо вақт оз.

М. С. Горбачев: Ҳозирги дунёнинг ғоят долзарб масалалари хусусида жуда мароқли суҳбатлар бўлмоқда. Ҳаммаси яхши.

Мухбир: Михаил Сергеевич, сизнингча, ўзингиз Нью-Йоркда айтганингиздек, биз янгича фикрлаш сиёсати деб айтаётган сиёсат асосидаги ғоялар Куба теварагидаги вазиятни юмшатишга ёрдам бермасмикан?

М. С. Горбачев: Биласизми, бу мавзу Фидель билан бизнинг ўртамиздаги музокараларда асосий мавзудир, чунки биз ҳозирги дунё ҳақида, унда содир бўлаётган катта ўзгаришлар тўғрисида гапираяпмиз. Биз ҳозир ижобий тенденциялар кучайиб бораётганлиги, яхшилик сари ўзгаришлар бўлаётгани ҳақида ҳам гапираяпмиз. Бунга социалистик мамлакатлар катта ҳисса қўшмоқдалар, бунда бизнинг — Куба билан Совет Иттифоқининг ҳам ҳиссаси бор, албатта. Лекин шуни айтишим керакки, бу ҳақда биз гапирган ҳам эдик: ҳозир Ғарбдаги музокарадошларимиз кўпроқ нарсани англаб етишганлиги жуда муҳимдир. Кенг жамоат доиралари тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Умуман, дунёда яхшироқ муносабатлар сари интилиш кучайиб бораётганлиги сезилмоқда, ўйлайманки, Совет Иттифоқи билан Куба ўз масъулиятларини англаб етмоқдалар ва ҳамиша бўлганидек, ўзларига муносиб иш тутадилар.

С. ГОРБУНОВ
А. КАНИШЧЕВ
С. СЕРЕДА
В. ТАЛАНОВ.

Далалар чорлайди

Айни кунларда сабзавот далаларида бўлган кишининг кўнгли яйраб, дили қувнайди. Ҳаммаёқда иш қизғин. Эртаки сабзавот экинлари гуркираб ўсмоқда. Боғ-роғларда дов-дарахтлар гуллаб яшнаяпти. Тошкент районидаги Навоий номли колхоз сабзаватчилари ҳам ана шундай дамларда зўр кўтаринки руҳ билан меҳнат қилмоқдалар.

Улар ўтган йилги ютуқларни мустаҳкамлаш, СССР Озиқ-овқат программасининг бажарилишига бу йил ҳам салмоқли ҳисса қўшиш учун астойдил курашмоқдалар. Парникларда сара ва сифатли кўчат етиштирилди. Бунда бригадир Тўйчи Бойжонов ва колхозчи Йўлдош Йўлдошевларнинг ҳиссаси катта. (Ўртада юқоридан) Улар иноҳолларга вақтн-вақтида сув сепиб, дуркун қилиб ўстирдилар.

Йигирма сотих ерга экилган эртаки гул карами иккинчи ишловдан чиқди (ўнгда пастдан).

Хўжаликда боғ-роғлар майдони ҳам кенгаймоқда.

— Раҳмат, ука,— дейди ранс Ғани Валиев (ўртада) боғбон Кенжавой Исломов ишидан хурсанд бўлиб.

Дарахтлар вақтида таги юмшатилиб, шакл берилган. Шунинг учун ҳам мўл ҳосил олиш кутилмоқда.

Боғ оралаб бораётган боғбонлар шу кунларда ҳам тинним билмай меҳнат қилиб, парвариш ишларини кучайтираяптилар.

Колхозда ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш, шу мақсадда хўжалик ҳисобини жорий этиш ва ёрдамчи хўжаликларни кўпайтиришга алоҳида эътибор берилаётгир. Яқинда 2 минг тонна маҳсулот сиғадиган музхона қурилиб ишга туширилди. Гулчилик ҳам ривож топмоқда. Бу соҳа ҳам хўжаликка катта даромад келтираётгир. Сайёра Тоғаева, Зулфия Каримова сингари (чапда пастдан) гулчиларнинг маҳоратн туфайли гуллар касалликка чалинмай, дуркун ривожланмоқда.

Бу ерда кейинги йилларда колхозчи деҳқонларга медицина, маданий-маиший хизмат кўрсатиш юзасидан бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Колхозда янги очилган нон цехида кунига 700—800 га яқин нон ёпилмоқда. Кооператив асосида иш олиб бораётган бу цехнинг пешқадам ишчиси Шаҳноза Холиқова (ўнгда юқорида) тайёрлаган нонларни колхозчилар севиб харид қилмоқдалар. Медицина ҳамшираси Фотима Саидова ва акушерка Мақсуда Ўрозовалар қишлоқнинг энг ҳурматли аёлларидан ҳисобланадилар. Улар келажагимиз — фарзандларимизнинг соғлом ва бақувват бўлиб ўсиши учун билимларини ишга солиб, астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Н. ИСАЕВ,
Н. Муҳаммаджонов ва С. Маҳкамов фотолари.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида учрашув

Ҳозир партия, қайта қуриш олимлар олдига қўйган кенг миқёсли ва мураккаб вазифалар янгича ишлаш сари туб бурилишни талаб этади. Бу вазифалар КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил март Пленуми қарорларида ҳам конкретлаштириб берилган. Пленумда таъкидланганидек, иқтисодий муносабатлардаги туб ўзгартишлар билан фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни қўшиб олиб бориш қайта қуриш жараёнларида катта ўзгаришлар қилиш имкониятини очади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва ВАСХНИЛ Урта Осиё бўлими академиклари билан бўлган учрашув ана шу масалаларга бағишланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов кириш нутқида республикада ҳали ҳал қилинмаган муаммоларга эътиборни қаратиш, халқ хўжалигининг, соғлиқни сақлаш, таълим ва маданиятнинг барча соҳаларига илмий ечимлар жорий этилишини жадаллаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш жуда муҳим эканлигини таъкидлади. Фан-техника тараққиётини тубдан жадаллаштириш, янги туркумлардаги техникани, юксак меҳнат унумдорлигини таъминлайдиган замонавий технологияларни кенг жорий қилиш интенсивлаштиришнинг бош воситаси бўлиб хизмат қилади.

Учрашувда айтиб ўтилганидек, жамиятга келтириладиган фойда олимлар иши самарадорлигининг асосий мезонидир. Саноатни, қурилиш, қишлоқ хўжалигини, социал ва маънавий соҳаларни интенсив ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб қоладиган фундаментал илмий натижаларга эришиш керак.

Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш борасидаги ишларни тубдан такомиллаштириш, турли ижодий коллективларнинг аниқ мақсад йўлидаги ҳамкорлигини ривожлантириш зарурлиги учрашувда қайд этиб ўтилди. Илмий ғояларни халқ хўжалиги практикасига жорий этиш кенг кўлам касб этиши лозим.

Республикада илмий кадрлар тайёрлаш муаммолари йиғилганларнинг диққат марказида бўлди. Мактабларда таълим беришнинг сифати пастлиги, мактаб билан олий ўқув юрти таълими ўртасида ҳосил бўлган узилиш тўғрисида ташвишланиб гапирилди, бу эса педагогларнинг малакаси етарли эмаслиги билан чамбарчас боғланган. Республикада миллий мактаблар учун физика-техника ва табиат фанларидан ўқитувчилар, ўзбек тили ва бошқа тиллардаги яхши дарсликлар муттасил етишмаяпти. Мактаб ўқитувчиларини қайта тайёрлаш янги методикаси даркор, олий ўқув юртларнинг педагоглари ҳам шундай методикага ғоят муҳтождирлар.

Академия институтлари истеъдодли ёшларни танлаб олиш масалаларига кам эътибор бераётганликлари таъкидлаб ўтилди. Илм-фан янги, навқирон кучлар мунтазам суратда қўшилиб туришига муҳтождир. Ҳар йилги сайлов билан чекланиб қолмай, кўпгина иттифоқдош республикаларда амал қилинаётганидек, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси составига конкурс асосида қўшимча сайлов ўтказиш тўғрисидаги таклиф олға сурилди.

Иқтисодчи олимлар, юристлар, файласуфлар регион экономикаси самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш алоқаларини, миллий муносабатларнинг турли жиҳатларини, меҳнаткашларнинг ҳуқуқий ҳимояланишини такомиллаштириш соҳасида қайта қуриш жараёнлари муаммоларини чуқур ўрганишлари зарур.

Республика олимлари реал фактлар асосида совет даври тарихини қайта идрок этиш, Ўзбекистон халкларининг маданий меросини сақлаб қолиш масалаларида ўз сўзларини айтишлари керак. Тарих ва маданият ёдгорликларининг кўп жилдли мажмуасини нашр этишни жадаллаштириш, ижтимоий фанларни, археология ва этнографияни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтириш зарур.

Соғлиқни сақлашнинг ҳал этилмаган вазифаларига ва аввало, оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилишга жиддий эътибор бериш зарур. Олимлар республикадаги, шу жумладан Орол денгизи ҳавзасидаги экология вазиятини соғломлаштириш, меҳнат, табиат ресурслари ва моддий ресурслардан оқилона ҳамда самарали фойдаланиш учун кўп иш қилишлари лозим бўлади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиклари А. М. Акрамхўжаев, А. А. Асқаров, А. К. Отахўжаев, К. С. Аҳмедов, Х. Н. Бойматҳамедов, С. К. Знёдуллаев, К. А. Зуфаров, И. И. Искандаров, В. Қ. Қобулов, С. К. Камолов, К. И. Лапкин, И. К. Мусабоев, Ж. А. Мусаев, М. В. Муҳаммаджонов, М. Н. Набиев, Г. А. Пугаченкова, Ж. К. Саидов, М. С. Салоҳиддинов, Т. А. Саримсоқов, Х. Х. Усмонхўжаев, Х. Ф. Фозилов, Д. Х. Хамидов, ВАСХНИЛ Урта Осиё бўлимининг академиги Ш. А. Акмалхонов Ўзбекистонда илм-фанни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари тўғрисида гапирдилар.

Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари В. П. Анишчев, Ғ. Ҳ. Қодиров, Ш. З. Камолхўжаев, М. М. Мирқосимов, М. Ҳ. Холмуҳамедов, Б. Ф. Сатин иштирок этдилар.

Учрашувда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси М. И. Иброҳимов қатнашди.

(ЎзТАГ).

ЗАВОДДА ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов «Ташсельмаш» заводида ишлаб чиқарилаётган пахта териш машиналари билан, завод коллективининг режалари ва муаммолари билан танишди.

Механика-гальваник, йиғув, қуюв цехларида, пластмасса, резина-техника ва кулолчилик буюмлари цехида ишчилар, инженер-техник ходимлар билан суҳбатлар бўлиб ўтди. Пахта териш машиналарига талаб кескин камайганлиги муносабати билан вужудга келаётган бир қанча масалалар ўртага қўйилди. Иқтисодчилар терим машиналарига талабнинг камайиши вақтинчалик ҳол демоқдалар. Қишлоқ хўжалигини хўжалик ҳисоби ва ижарага ўтказиш бошланганлиги муносабати билан ҳозир деҳқонлар мавжуд техникани ремонт қилиш бирмунча фойдали, деб ҳисобламоқдалар, аммо машиналар паркини янгилаш вазифаси ҳам тез орада улар олдида кўндаланг бўлиб туради.

Шунинг учун машинасозларнинг қувватларни қисқартириши, ишлаб чиқариш соҳасини ўзгартириши ҳозирча мақсадга мувофиқ эмас. Қурилаётган 20 минг квадрат метрли янги бункерлар цехидан мураккаб рўзғор техникаси ишлаб чиқариш учун фойдаланиш нафлидир. Ижарачилар «Ташсельмаш» заводида ишлаб чиқарилаётган машиналар нархи ғоят қимматлигидан шикоят қилаётганлигига келганда, қуйидагилар таъкидланди: баъзи қисмларнинг қимматлашуви техника мукаммаллашганлиги билан боғлиқ; металл нархи ошганлиги ҳам нохуш таъсир кўрсатди. Кўриниб турибдики, ижара машиналар ва подбор терадиган механизмлар сифати ва нархига янги талаблар қўйилмоқда, бу муаммо жиддий илмий таҳлилни талаб этади.

Суҳбат давомида шу нарса таъкидлаб ўтилдики, «Ташсельмаш» эҳтиёт қисмларга нисбатан ўсиб бораётган талабга ўз вақтида жавоб берди — бир йилда эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш бир ярим баравар кўпайди ва бундан ҳам кўпайиб бораверади. Заводнинг йиллик фойдаси ҳатто ишлаб чиқариш қисқартирилган шароитда ҳам 3 миллион сўм кўпайди ва 17 миллион сўмга етди. Шунга қарамай иш ҳақи унчалик ошмади: коллектив ишлаб топган маблағнинг катта қисми давлат бюджетига ва тармоқ министрлигига тўлаш учун сарфланди. Металл қуювчи ишчилар ажратмалар нормативларини такомиллаштириш тўғрисидаги масалани ўртага қўйдилар. «Союзмашхлопок» бирлашмасининг мутахассислари (Ташсельмаш заводи ҳам шу бирлашмага киради) иттифоқ министрлиги қарамоғидан чиқиш, қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводлари регионал уюшмасини тузиш тўғрисидаги муҳим муаммони ўртага қўймоқдалар. Хўжалик ҳисоби фойданинг бошқарувчиларни таъминлаб туриш учун сарфланаётган қисмини сақлаб қолишга, ишда оперативликни оширишга имкон беради.

Корхона оладиган фойдани кўпайтиришнинг энг муҳим йўлларидан бири — халқ учун товарлар ишлаб чиқаришдир. Ўтган йили иш ҳақи фондининг ҳар бир сўми ҳисобига 60 тийинлик товар ишлаб чиқарилди, келгуси йилда эса бу рақамни 80 тийинга етказиш мўлжалланмоқда. Мисерлар, бир марта фойдаланиладиган шприцлар ва бошқа медицина воситаларини биргаликда ишлаб чиқариш тўғрисида чет эл фирмалари билан музокаралар олиб борилмоқда.

Ишчилар бу йилги «Наврўз» алоҳида байрамона нишонланганлиги тўғрисида, ресурсларга ишнинг кўзини билиб муносабатда бўлишга мажбур этаётган хўжалик ҳисоби ҳақида, Иссиқкўлда заводнинг пансионати қурилаётганлиги, дастлабки маҳсулоти завод ошхоналарига юборилаётган қўрқидаги чорвачилик совхози тўғрисида сўзлаб бердилар. Цехларда маиший шароит, умумий овқатланиш яхшиланмоқда. Завод шифохонасини қуришга эҳтиёж сезилмоқда. Бу ўринда шаҳарнинг ёрдами ниҳоятда зарур.

(ЎзТАГ).

ИШЧАНЛИК МУҲИТИДА

ЧИРЧИҚДАГИ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг марказлашган ремонт-механика цехига бир вақтлар кўплаб эътирозлар тушарди. Унинг раҳбарлари қолоқликлари учун йиғилишларда танқид қилинарди. Лекин ишда ўзгариш бўлмасди. Охири цех бошлиғини алмаштиришга қарор қилинди. Ремонт-механика цехи мастери Сергей Александрович Титов бошлиқ қилиб тайинланди. Унинг ташаббускорлик, ишчан ташкилотчилик томонлари устунлик қиларди. Шунинг учун ҳам у раҳбарлик қила бошлаши билан цехда кескин ўзгаришлар юзага келди. Планлар ҳам бир маромда бажариладиган бўлиб қолди. Биз Сергей Александрович Титов билан бўлган суҳбатда бу ўзгаришларнинг омиллари билан қизиқдик.

— Биринчи навбатда партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари билан бирликда ишчилар орасида тарбиявий ишни кучайтирдик,— деб қисқагина жавоб берди у.

Ҳақиқатда ҳам ишчилар билан суҳбатлашиб цех бошлиғи учун барча масалада биринчи ўринда меҳнат кишиси туришига ишонч ҳосил қилдик. У цехдаги ҳар бир ишчи ва хизматчини билади. Ким қайси участкада ишлайди, қандай яшайди, нима билан қизиқади-ю нимага қодир — ҳаммасидан хабардор. Ҳар бир масалада комунист ва комсомоллар билан бамаслаҳат иш кўради. Раҳбарнинг ютуғи ҳам шунда.

Улар ишни цехдаги маиший шароитларни яхшилашдан бошлашганди. Дастлаб механика цехи учун янги бино қурилди. У ерда душхоналар очилди. Қизил бурчак, махсус шкафлар ўрнатилган кийим алмаштириш хоналари ташкил қилинди. Цех атрофидаги йўл ва йўлкалар асфальтланди. Секин-аста техника ва технологияни ҳам янгилашга киришилди.

— Ҳал қилувчи участкаларга энг яхши мутахассислар, коммунист ва комсомолларни йўлладик,— дейди Сергей Александрович.— Ишчи ва инженер-техник ходимларнинг ижодий изланишларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз. Ҳозир ихтирочи ва рационализаторлар кенгаши ишини анча жонлантириб олганмиз. Улар кўплаб сермеҳнат, оғир иш жараёнларини механизациялаштириб енгиллаштиришга ёрдам бериляпти.

Уларнинг кейинги уч йил ичида яратган янгиликлари 30 минг сўмдан ортиқ пулни тежаб қолиш имконини берди. Бунда марказлашган ремонт цехининг коммунист слесарларидан Владимир ва Николай Сайбельлар, электргаз пайвандчи Виктор Плетнев, Ражаб Асанов ва Виктор Никрилов ҳамда Михаил Рубникович каби мастерларнинг катта улушлари бор.

Ҳозир цехда ишчанлик муҳити қарор топган. Бу ишлаб чиқаришни коллектив бўлиб бошқариш, ҳамфикрлик, бир мақсад сари интилиш натижасидир.

И. ЗИМИН,
меҳнат ветерани.

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг лекторлар группаси Ўзбекистонга келди. Улар меҳнат коллективларида, партия, совет, хўжалик ходимлари ҳузурида КХДРда социалистик иқтисодий қурилишнинг долзарб муаммолари тўғрисида, Кореяни тинч йўл билан бирлаштиришга оид КХДРнинг янги таклифлари ҳақида лекциялар ўқийдилар.

Меҳмонлар В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалини бориб кўрдилар, «Ленинский путь» колхозида бўлдилар. Улар Ўзбекистон ССР халқ хўжалик ютуқлари виставкасини кўздан кечирдилар, Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

КХДРдан келган лекторлар 3 апрель куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилиндилар.

(ЎзТАГ).

ИЖАРАЧИ БЕШ ЎРТОҚ

Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхоздан беш ўртоқ — Нурмуҳаммад Ҳотамов, Деҳқон Қидирбеков, Комил Алимбетов, Ортиқ Собиров ва Раим Алимбетовлар 200 бош бузоқни ижара пудрати асосида бўрдоқига боқмоқдалар. Улар йил бошида хўжалик билан тузилган шартномага биноан ҳар бир қорамолнинг кунига 350—400 граммдан эт қўшишига эришмоқдалар.

Маълум муддат ичида молларнинг тирик вазнини 500—600 килограммга етказиш мажбуриятини олган ижарачилар, шунингдек, ғунажинлардан олинадиган бузоқлар ҳисобига подани яна да тўлдириш тадбирларини кўрмоқдалар.

— Ҳозирги амалга оширилаётган ишлар, — дейди ижарачилар етакчиси Раим Алимбетов, — резерв ва имкониятлар келгусида колхознинг гўшт сотиш планларини ошириб бажариш билан бирга, сигирлар зотини тубдан яхшилаш имконини беради. Айни пайтда биз ажратилган ем-хашак, маблағлардан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик учун ҳаракат қиляпмиз.

Қ. САЙДИНОХУНОВ.

Қайта қуриш: СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ СОҲАСИДАГИ МУҲИМ ВАЗИФАЛАР

Йигирманчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент область Совети IX сессияси докладининг ТЕЗИСЛАРИ

26 МАРТ куни бўлиб ўтган СССР халқ депутатлари сайлови, шунингдек ундан аввал меҳнаткашларнинг ғоят активлиги билан ўтган сайловолди кампанияси КПСС XXVII съезди, партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларида, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси резолюцияларида ҳар томонлама чуқур ишлаб чиқилган қайта қуриш программасининг бир маромда оғишмай амалга оширилаётганлигининг ёрқин далили бўлди. Қайта қуриш ва янгиланиш амалда олга босиш, ишнинг ҳамма йўналишларида аҳволни чинакамига ўнглаш учун кураш босқичига кирди. Қайта қуриш катта ижтимоий кучларни ҳаракатга келтирмоқда, мамлакатимизнинг бутун куч ва имкониятларини етилган энг долзарб масалаларни ҳал этишга сафарбар қилаётир.

Янгиланишнинг, хўжалик юритиш соҳасида эскириб қолган форма ва бир қолипдаги услубларни йўқотишнинг ҳозирги шиддатли жараёнида юз бераётган ишларни соғлом ва холис баҳолаш, ўтиш даврининг барча мураккаб жараёнларига диалектик ёндашиш зарурдир. Иқтисодий ва социал-сиёсий тараққиётларга тўғанок бўлаётган иллатларни бартараф этиш осон бўлаётгани йўқ, нафақат экономика, сиёсат ва экология соҳасида, балки социал масалалар соҳасида ҳам янги жиддий муаммолар вужудга келаётир.

Мамлакатимизда раҳбарликнинг буйруқбозлик-тўраларча усуллари мустаҳкамланиб боргани сари, сўз бошқа-ю иш бошқалиги ҳам кучайиб борди. Эзгулик, одоб-ахлоқ, виждон, раҳмдиллик унутилиб борди. Сохта фаровон турмуш пайтида ногиронларни, камбағалларни, бечораларни, ёлғизларни ҳеч ким ёдга олмай қўйди. Ҳатто шунгача бориб етилдики, мамлакатимизда ногиронлар, ёрдамга муҳтож ёлғиз кексалар қанчалигини ҳеч ким билмасди.

Бугунги кунга келиб мамлакатимиз чинакам социализм ғояларига, инсонпарвар тузумга қайтмоқда. Жамоатчиликнинг ҳаётимиздаги энг долзарб ва оғир муаммоларни ҳал этишда қатнашиши анъанаси қайта тўғилмоқда. Бироқ биз қайта қуришнинг жўшқин кунларида ёши, ногиронлиги ва бетоблиги туфайли актив меҳнат қилолмаётганлар ҳақида қайғуришни ҳам унутмаслигимиз керак.

Инсон ҳамма соҳада мезонга айланмоқда. М. С. Горбачев XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида ҳозирги аҳволни ана шундай баҳолади. Ўз навбатида мана шу биринчи даражали ишга муносабат Совет ҳокимияти учун мезонга айланди. Бу вазифа нафақат Совет ҳокимияти давлат органларининг, балки инсонпарварлик, олижаноблик, саломатлик, раҳмдиллик ҳаётий позициялари бўлган барча кишиларнинг жонажон ишидир. Мамлакатимиз иқтисодий куч-қудратининг ўсиши ва меҳнаткашлар иш ҳақининг ошишига қараб социал таъминот сарф-харажатлари ҳам кўпайиб бормоқда, фақат ишчи ва хизматчиларнинг эмас, балки колхозчиларнинг ҳам пенсия ҳамда нафақалари миқдори ошмоқда.

Пенсия ва нафақалардан ташқари социал таъминотнинг бошқа турлари ва формаларига ҳам анчагина маблағлар сарфланмоқда. Интернат уйлари қуриш ва уларни таъминлаб туриш, санитария муолажаси ва ҳаракат қилиш воситалари билан таъминлаш, ногиронларни баҳоли-қудрат меҳнатга жалб этиш шулар жумласидандир.

Бу йил Тошкент области бўйича пенсия ва нафақалар тўлаш учун жами 200 миллион сўм маблағ ажратилган. Пенсионерлар ва нафақа оладиган кишилар сони 310 мингга етди. Фақат ўтган 1988 йилнинг ўзида 40 минг пенсия ва нафақа тайинланди. Шундан 1,8 минги имтиёзлидир. Ҳисоблаш техникаси, ахборотларни автоматик тарзда қайта ишлашнинг замонавий воситаларидан самарали фойдаланиш, пул маблағларини бут сақлаш устидан назоратни кучайтириш билан боғлиқ янги ташкилий форма ва методларни амалда қўллаш социал таъминот органлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятига айланди. Ҳозир областда 18 та шаҳар ва районни қамраб олган марказ ишлаб турибди.

Халқ депутатлари Бекобод, Олмалиқ, Чирчиқ, Янгийўл шаҳар ҳамда Оржоникидзе район Советлари ижроия комитетларининг социал таъминот масалаларини комплекс ҳал қилишга оид намунали ишларини алоҳида қайд этиш лозим. Бу кадрлар малакасини ошириш ва тайёрлаш, уларга кундалик ёрдам кўрсатиб туришга узлуксиз эътибор бериш натижасидир.

Область Совети ижроия комитети ҳамда область касаба союзлари Совети ўтган йили аҳолининг эҳтиёжларини ўрганиб, «Ғамхўрлик» яхлит программасини ишлаб чиқди ва тасдиқлади. Унда ёрдамга муҳтож бўлган барча категориядаги кишиларга кечиктирмай ёрдам кўрсатиш чоралари, шунингдек, ногиронлар ва меҳнатга яроқсиз ёлғиз гражданларнинг ижтимоий турмуш шароитларини тубдан яхшилаш бўйича 1989—1990 йиллардаги қилинадиган ишлар белгиланган.

Белгиланган программа асосида қилинаётган ишлар ўзининг дастлабки самараларини бермоқда. Бугунги кунда областда 5398 нафар Улуғ Ватан уруши инвалиди ҳамда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг 3166 оиласи истиқомат қилаётир. Ўтган йили 75 ногирон, ҳалок бўлган ҳарбийларнинг 30 оиласига қулай жиҳозланган квартиралар берилди, 265 квартира ремонт қилинди. Бепул 200 та «Запорожец» автомашинаси берилди. 2961 киши санаторий-курортларда даволаниш учун йўлланмалар билан таъминланди.

Социал ёрдам бўлимлари тармоқлари ривожланиб бормоқда. Ҳозир областда 26 тага етди. Бу йил хизмат кўрсатишнинг шу формаси билан меҳнатга яроқсиз ёлғиз гражданларнинг ҳаммасини қамраб олиш мўлжалланмоқда. Бундай кишилар ҳозир областимизда 2800 дан кўпроқдир. Меҳнатга яроқсиз 2100 кишига уйида хизмат кўрсатилмоқда.

Ихтисослашган медицина ёрдами масалалари янада активроқ ҳал этиладиган бўлиб қолди. Бундай контингентларнинг анчагина қисми диспансер кузатуви остига олинди. Олмалиқ ва Бекобод шаҳарлари поликлиникаларида гериатрика кабинетлари очилди.

Оҳангаронда 400 нафар қария ва ногиронлар учун 2 та область интернат-уйи ишлаб турибди. Уларни таъминлаб туриш учун сарфланадиган харажатлар йилига кўпайтирилмоқда. Агар 1987 йили шу мақсадга 716,8 минг сўм сарфланган бўлса, 1988 йилда 941,6 минг сўм сарфланди. Олмалиқ кон-металлургия комбинати (директори В. Н. Сигедин) ўз оталиғидаги интернат-уйига катта ёрдам кўрсатмоқда. Маълумки, Афғонистондаги чекланган ҳарбий қўшинларимизни олиб чиқиш шу йил 15 февралда тугалланди. Ҳозир бизнинг интернационал жангчиларнинг бундан бўёнги тақдирлари учун масъулиятимиз янада ортди. Улардаги уруш асоратлари ҳаливери битмайди. Бу йигитларнинг кўпчилиги даволанишга, меҳнатга бўлган қобилиятини тиклашга, уйжойга, ишга жойлашишга муҳтождирлар. Улар ижрокомлардан, социал таъминот ва соғлиқни сақлаш органларидан, бизнинг ҳар биримиздан ваъда эмас, конкрет ёрдам кутмоқдалар. Шулардан 150 киши социал таъминот органларида навбатда турибдилар. 10 оила боқувчисидан айрилган, 82 нафар ногирон ва саккиз нафар ҳалок бўлганлар оилаларига маҳаллий аҳамиятга эга бўлган шахсий пенсия белгиланди. 45 киши учун республика миқёсида пенсия белгилаш тўғрисида илтимосома ёзилди. 13 кишига қулай квартиралар ажратилди, яна шунча одам бепул «Запорожец» автомашинаси олди.

Бироқ шуни ҳам таъкидлаш керакки, интернационалчи-жангчилар кўп йиллардан бери олиб келаётган ёрдамлари ҳали оз, уларга ҳар қанча ғамхўрлик қилинса арзийди.

Область аҳолиси социал таъминотини яхшилаш вазифалари қандай бажарилаётганлигини ижобий баҳолаш билан бирга бу ишнинг ҳозирги даражаси партиянинг социал сиёсати талабларига тўла жавоб бера олмаслигини ҳам тан олишимиз керак. Чунончи, 14 та шаҳар ва район Советлари ижроия комитетларининг «Ғамхўрлик» программасини шу пайтгача ўз ижрочиларига етказмаганлари устига бу программани ўз регионлари шароитига мослаб қайта ишлаб чиқмаганликларини қандай сабаблар билан оқлаш мумкин? Оққўрғон, Пискент, Чиноз, Паркент, Оржоникидзе, Ўрта Чирчиқ районлари, шунингдек, Бекобод, Нариманов, Ангрен, Янгиобод шаҳарлари Советлари ижроия комитетлари шулар жумласидандир.

Баъзи жойларда социал таъминот муаммоларига бундай бефарқларча муносабат нима учундир одат тусига кириб бораяпти. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Чунончи, социал таъминот масалалари Оққўрғон, Бўстонлиқ, Чиноз, Ғалаба, Калинин, Пискент, Оҳангарон ва бошқа бир қатор районлар Советлари ижроия комитетларининг мажлисларида ойлаб, йиллаб муҳокама этилмайди. Область меҳнат ва социал таъминот бошқармаси раҳбарлари аҳолини социал таъминлаш ишлари яхши уюштирилмаганлиги ҳақида Коммунистик район Совети ижроия комитетига бир неча марта ахборот йўлладилару, аммо бирор марта аниқ жавоб ололмадилар. Бунинг устига районда уч ойлик узоқ муддат ичида район социал таъминоти бўлимига дурустроқ мудир топиша олмади.

Айрим ижрокомларнинг бу муҳим соҳага муносабатлари қандай бўлса унинг натижалари ҳам шундай бўлаяпти. Чунончи, 1988 йилда синов тариқасида текшириб кўриш учун сўраб олинган 45 мингга яқин пенсия ҳужжатларидан ҳар 10 тасининг бири нотўғри эканлиги аниқланди. Бу хато қарийб 3 минг кишининг ўз нафақасини кечикиб олишига, демак, кайфиятининг бузилишига ва турмушда қийналишига сабаб бўлди.

Маҳаллий Советлар, хўжалик органлари ва жамоатчиликнинг бирлашган ҳаракатлари, уруш қатнашчилари эса ўтин-кўмир ундириш учун бир неча ташкилотнинг остоналарини бир неча марта босиб ўтишлари керак. Умуман бундай мисоллар жуда кўп.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Кам таъминланган пенсионерларнинг моддий шароитларини яхшилаш, ёлғиз гражданларга ғамхўрлик қилишни кучайтириш юзасидан биринчи галдаги чоралар тўғрисида»ги қарори қабул қилинганига май ойида уч йил бўлади. Аммо шуни тан олиш керакки, бу қарор кўпгина шаҳар ва районларда ёмон бажарилаяпти. Фактларга мурожаат қилайлик:

Даволаш муассасаларида ёлғиз кексаларни касалхоналарга жойлаштиришда ҳар хил йўллар билан рад жавоб беришга ҳаракат қиладилар, бундай кишилар учун дори-дармонлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, ёқилғи ҳар доим ҳам топилавермайди.

Ёлғиз кексалар учун жуда кам уй ажратилади, уй-жойларини ремонт қилиш яхши йўлга қўйилмаган. Бу ғап Олмалиқ, Бекобод шаҳарлари, Бўка ва Бўстонлиқ районлари Советлари ижроия комитетларига ҳам тааллуқлидир. Ҳал бўлмаётган яна бир жиддий муаммолардан бири вафот этган ёлғиз кишиларни дафн этиш масаласидир. Одатда бундай кишилар пенсияга чиққан пайтларида ўзлари узоқ йил ишлаган корхоналари билан алоқалари бутунлай узилади. Оқибатда шундай бўладики, киши ишлаб турганда коллектив уни билади, аммо орадан бир қанча вақт ўтгач, уни бутунлай унутиб юборишади, ҳатто мажбурият эмас, виждон юзасидан ўз коллективларининг аъзосини сўнгги йўлга кузатиб қўйишни ҳам ўйламайдилар.

Шуни ҳам таъкидлаш керак. Чирчиқ, Ангрен шаҳарлари, Бўстонлиқ ва Тошкент районлари Советлари ижроия комитетлари шунингдек, область меҳнат ва социал таъминот бошқармаси ёлғиз кексаларга хизмат кўрсатишга даъват этилган социал ёрдам бўлимларининг яхши ишлашлари учун қулай шароитлар яратиб бериш масаласига эътибор билан қарамайдилар. Бундай бўлимлар жиҳозлар, зарур асбоб-ускуналар, транспорт воситалари билан етарли таъминланмаганлар. Одатда улар талабларга жавоб бермайдиган, яхши мослашмаган бир хонали бинолларда жойлашган.

Областимизда кексалар ва инвалидлар учун интернат-уйлар қуриш ҳали лозим даражада ривожлангани йўқ. Ёлғиз ва кекса кишилар учун социал-маиший хизмат ҳамда пенсионерларнинг меҳнат фаолияти учун махсус хонали ихтисослашган турар-жойларни комплекс қуришга киришилгани йўқ.

Оҳангарондаги 300 ўринли руҳий-нерв касалликлари интернат-уйи қурилиши планлари йил сайин бажарилмай келаяпти. «Узбекшахтострой» трести (бошқарувчиси Э. В. Калустян) бу объектни саккиз йилдан бери «қураяпти». Буюртмачи эса область ижроия комитетининг капитал қурилиш бош бошқармасидир (бошлиғи Т. Ш. Аҳмедов). Бу масала барча даражаларда бир неча марта муҳокама этилди, бироқ 1988 йилда интернат-уйни фойдаланишга топшириш муддати яна барбод этилди. Туя тўшти еган объектнинг бу йил ҳам охири кўринмаяпти. Ҳолбуки, бу объектнинг бўлажак эгалари бўлган кексалар ҳозир 1913 йилларда қурилган ғарибона хоналарда яшамоқдалар. Бу ерда энг оддий санитария шароитлари ҳам йўқ. Бу нафақат пудратчи, буюртмачи ёки область меҳнат ва социал таъминот бошқармаси, балки область Совети ижроия комитетининг ҳам айбидир.

Область меҳнаткашларига пенсия ва нафақаларни ўз вақтида белгилаб бериш ишларини ҳам жиддий яхшилаш керак бўлади. Бир қатор шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари, уларнинг социал таъминот бўлимлари раҳбарлари пенсия ҳамда нафақаларни тайинлайдиган комиссияларнинг ишларини ўз ҳолига ташлаб қўйганлар. Бунинг оқибатида кўп ҳолларда қарорлар ҳуқуқий хатолар билан чиқарилади. Тайёрлаб бериладиган ҳужжатлар аслида чуқур ўрганилмайди, бу эса давлатнинг маблағларини ортиқча тўлаш ёки гражданлар ҳуқуқларининг камситилишига олиб келади.

Оққўрғон, Чиноз, Калинин, Коммунистик, Паркент, Бекобод районлари социал таъминот бўлимлари пенсия қонунларини айниқса, кўп бузадилар. Х. Комилованинг пенсиясига оид иш Коммунистик район социал таъминот бўлими ходимларининг айби билан Янгиобод ўрнига Ленинобод шаҳар социал таъминот бўлимига юборилган. Натижада бу иш йўқолган. Пенсия ҳужжатлари дубликатини тиклаш ва тўлов ҳужжатларини расмийлаштириш учун уч ойдан кўпроқ вақт ўтди. Бу вақтда пенсионер яшаш учун зарур ҳисобланадиган ҳаражатларнинг ҳаммасини ўз вақтида тўлаётганлиги тўғрисида область меҳнат ва социал таъминот бўлимига шикоят билан мурожаат қилди. Наҳотки, Бекобод район социал таъминот бўлими ходимлари бу ишни ўша ерда ўзлари ҳал қила олмасалар. Ҳал қила оладилар, аммо уларда кишиларга нисбатан бефарқлик бор, ўзларининг хизмат бурчларига виждонан муносабатда бўлмайдилар.

Имтиёзли пенсиялар белгилашда социал таъминот бўлимлари, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари кўпинча қонунчиликни бузадилар. Шунинг натижасида 1809 та имтиёзли пенсия ишидан 98 таси қайтадан расмийлаштириш учун қайтариб юборилди, 29 таси эса рад этилди.

Оддий давлат пенсияларини расмийлаштириш ва ҳужжатларни тақсим этиш ишлари ҳам кўнгилдагидек эмас. Бундай ҳужжатларни расмийлаштириш учун баъзан икки йил (!) керак бўлади. Бу ғап энг аввало Бўстонлиқ районига тааллуқли. Масалан, кам таъминланган, 9 та боласи бор Т. Жумашеванинг пенсияси ярим йил расмийлаштирилмай ётди. Ҳар томонлама етим қолган К. Тўлагановнинг боқувчисига пенсия белгилаш масаласини ҳал этиш икки йил давом этди. Пенсия ҳужжатлари ўз вақтида етказиб берилмаганлиги оқибатида гражданларга етказилган область бўйича умумий зарар сумласи 1988 йилнинг ўзида 34 минг сўмни ташкил этди.

Бундай камчиликларнинг асосий сабаби меҳнат ва иш ҳақини ҳисоблаш бўйича белгиланган қоиданинг бузилиши, архив материалларининг пала-партиш сақланиши, меҳнат дафтарчаларининг малакали тўлдирилмаслигидир. Айниқса, қишлоқ жойларда бундай хатоларга кўп йўл қўйилмоқда. Чунки, меҳнат дафтарчалари ишга қабул қилинганидан бир неча йилдан сўнг ҳам тўлдирилаверилади. Меҳнатдаги иштироки бўйича белгиланган минимумлар қайд этиб қўйилмайди.

Колхоз аъзолари, кам таъминланган оилалар, аёлларга ҳомиладорлик учун, туғиш ва болани тарбиялаш учун нафақа белгилаш ва тўлашдаги бетакаллуфликлар ҳам ташвиш уйготади. Айниқса, бизда кўп болали оналарга бағритошларча муносабат шу пайтгача йўқолмаганлигини ҳеч қандай сабаб билан тушунтириб бўлмайди. Уларни ўз вақтида мукофотга тақдим этмаслик, моддий ёрдам кўрсатмаслик деярли ҳамма ерда ва ҳар қадамда учрайди. Бунинг устига мукофотлашга оид материаллари пала-партиш расмийлаштирилади, кўпинча тақдим этиш муддатлари бузилади. Оҳангарон районидаги Дўстлик, Облиқ, Қорахитой каби бир қатор қишлоқ Советларида область ижроия комитетининг кўп болали оналарни ҳисобга олишнинг карточка формасини жорий этиш тўғрисидаги тавсиялари бажарилмай келмоқда.

Паркент, Бўстонлиқ, Коммунистик, Бекобод, Ўрта Чирчиқ ва Чиноз районларида ҳам шундай аҳволни кузатиш мумкин. Колхозчиларни пенсия билан таъминлаш ҳамон тузалмас касалдек давом этиб келаяпти.

Колхозчиларга социал хизмат кўрсатишнинг ички колхоз социал таъминоти, колхоз ҳисобидан қўшимча ҳақ, шахсий пенсия белгилашдек йлғор формалари ҳам яхши ривожланмаяпти. Жами 74 минг колхоз пенсионерининг ярмидан кўпроғи 40—50 сўм ҳажмида энг кам миқдорда пул олаётир, 2 мингга яқин кишигина ички колхоз социал таъминотидан фойдаланмоқда, холос. Бунга йўл қўйиб бўладими ахир? Бу ҳақда тегишли қарорлар, кўплаб колхозларда маблағлар бор-ку! Афтидан, энг асосий нарса — одамларга нисбатан ғамхўрлик йўқ. Ўтган йили фақат Оққўрғон ва Ўрта Чирчиқ районларидагина 102 колхозчига қўшимча ҳақ ва шахсий пенсия тайинланди.

Пенсияларни ўз вақтида ва тўғри тўлаш бўйича социал таъминотнинг барча бўғинларидаги ишларни тубдан яхшилаш талаб этилади. Ташкил этилган область маркази ўз зиммасига юклатилган вазифани тўла оқламаяпти. Тўлов операцияларини аниқ бажаравермайди. Ана шу марказ ходимларининг айби билан 1988 йилда 9 минг пенсионерга жами 500 минг сўм пул муддатидан кечиктириб тўланди. Алоқа ходимларига ҳам жиддий эътироздар бор. Улар кўп ҳолларда пенсия пулларини хонадонларга олиб бориб беришмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, областимиз гражданларини социал таъминлашни тубдан яхшилаш имкониятларидан тўла фойдаланиш маҳаллий Советлар, уларнинг ижроия комитетлари, бўлим ва бошқармалари, хўжалик органларининг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидир.

Инвалидлар, уруш ва меҳнат ветеранларининг қонуний ҳуқуқлари, кундалик талаб ва эҳтиёжларини амалда қондиришга эришиш учун бу муҳим ва хайрли ишга оталиқ коллективлари ва турли жамоат ташкилотларини жалб этиш керак бўлади. Бир сўз билан айтганда барча резерв ва орттирилган тажрибаларни қария ва ёлғиз кексалар, ветеранлар учун совет кишиларига хос барча қулай турмуш шароитларини яратиб беришга сафарбар этилмоғи, уларнинг оғир турмуш тарзларини англаган ҳолда раҳм-шафқатли ва оқибатли бўлиш зарур.

Мажбурий эмас, балки қалб амр этган раҳм-шафқат бизнинг ҳаётимиз нормаси бўлиб қолмоғи лозим.

* * *

ОБЛАСТЬ ижроия комитети область Совети депутатларига мурожаат этиб, ушбу доклад тезисларини меҳнат коллективларида ва турар-жойларда кенг муҳокама қилишни сўрайди. Аҳолининг социал таъминот ишларига бевосита алоқадор бўлган группаларининг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш, айниқса, фойдалидир. Бу депутатлар учун область Советининг навбатдаги сессиясига тайёргарлик кўриш, унда кўриладиган муҳим масала муҳокамасида актив қатнашиш ва тегишли қарор қабул қилиш имконини беради.

Шунингдек, область ижроия комитети газетхонлардан ҳам тезисларда тилга олинган муаммолар хусусидаги фикр-мулоҳаза ва таклифларини баён этишларини сўрайди. «Сессия олдидан» деган белги қўйилган хатларни қуйидаги адресга юбориш мумкин: Тошкент-47, Хоразм кўчаси — 51, Область ижроия комитети.

ҚАЧОН ТАРТИБ ЎРНАТИЛАДИ?

ТОШКЕНТ ШАҲАР САВДО, МАИШИЙ ХИЗМАТ, УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИ ИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАН

Кенгашда Ҳамза район савдо, маиший хизмат, умумий овқатланиш корхоналари ишини назорат қилувчи мувофиқлаштириш кенгаши фаолияти муҳокама этилди. Жойларда ишчи назорати комиссиялари тузилган. Назоратнинг жонли ва таъсирчан бўлиши йўлида бир қатор тадбирлар амалга оширилаётир. Лекин олиб борилаётган ишларни талаб даражасида деб бўлмайди. Айрим касаба союз ташкилотларида ишлар яхши ташкил этилган ҳолда баъзи жойларда ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Касаба союзлари кўпгина область комитетлари бу борадаги ўз вазифаларига масъулият билан ёндашмаяптилар. ВЦСПС президиумининг қарорини бажаришга дастлаб фаол киришилган ҳолда кейинги вақтларда ишлар бўшаштириб юборилди.

— Комиссиялар ишидаги асосий камчиликлардан бири, — деди йиғилишда ахборот берган область касаба союзлари Совети инспектори Г. Соколов, — юридик ҳужжатларни расмийлаштиришнинг тўғри бўлмаслиги бўлиб, бу савдо ташкилотларининг қоидабузарларга нисбатан ўз вақтида чоралар кўрмасликларига баҳона бўлмоқда. Текширувлар натижаси объектив баҳоланмай қолиш эса назоратчиларнинг қизиқишларини сўндирмоқда.

Нотиқ ишчи назорати комиссиялари яккаланиб қолаётганини, юқори ташкилотлар ёрдамига муҳтожлигини, савдо ташкилотлари уларнинг таклиф-мулоҳазаларига менсимай муносабатда бўлаётганликларини таъкидлади. Назоратчилар райпишчеторг раҳбарларига ой давомида магазинларга озиқ-овқат маҳсулотларини тақсимлаш кунларини билдиришни кўп марта айтдилар. Лекин улар ҳар хил баҳоналар билан бу таклифни бажармаяптилар. Текширувлар ўтказилгандан сўнг район мувофиқлаштириш кенгаши йиғилишига райпишчеторг раҳбарлари таклиф этилса-да, улар кўпинча келмайдилар. Бу ҳаммаси ишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Зайниддинов мудир бўлган 19-магазин текширилганда 210 килограмм сосиски ва бошқа маҳсулотлар беркитиб қўйилгани, озиқ-овқат моллари бир қисмига баҳолар қўйилмаганлиги аниқланди. Лекин на магазин мудири ва на ходимлар жазоланди. Ўн кун, бир ойдан сўнг икки бор қайта шу магазин текширилди. Яна худди шундай камчиликлар аниқланди. Шундан сўнггина савдо ташкилоти буйруғи билан Зайниддинов олти ойга вазифасидан бўшатилди. Ана кўрилган чора, 25-магазинда омборда коньяк, шампанское бўлса-да, пештахтага қўйилмаган. 15-магазинда бўлса сотувчилар харидор ҳақига хиёнат қилишга жуда чапдастлар. Лекин кийган халатлари кир-чир, ҳаммаёқ ифлос, колбасалар полда ётибди. 3-магазинда харидорбоп сигареталарни пештахта остидан, ошириган нархда сотиш одат тусига кириб қолган. Турли компот, салатлар сақлаш муддати ўтиб кетган бўлса-да, кўргазмага қўйилган. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи назорати комиссияси Абдувоҳидов мудир бўлган 33-магазинда текшириш ўтказганларида 4204 сўмлик ҳинд чойи, кофе, қуюлтирилган сут ва бошқа тақчил озиқ-овқат моллари борлигини аниқладилар. Лекин уларнинг бирон хили намунаси пештахтада йўқ.

39-магазинда яна ҳам ғаройиб воқеа юз берди. 956 килограмм — тўрт хил колбаса музхонага тахлаб ташланган. Комиссия аъзолари шунча маҳсулотни нега бекитиб қўйилганини сўрашганда «Ташсельмаш» заводи ишчи-хизматчилари учун ажратилган» деб айтишди. Назоратчилар корхонада бўлдилар. Мазкур магазин «Ташсельмаш»га биркитилмаган экан. Чалғитишга уринишган. Ҳужжатлар район савдо ташкилотига юборилди. Лекин райпишчеторг раҳбарлари айбдорларни жазолашни ўйламадилар ҳам. Область касаба союзлари Советининг аралашувидан сўнггина чора кўрилди. 1-магазинда текширув ўтказилганда 4048 сўмлик камчил озиқ-овқат моллари яширилиб қўйилгани аниқланди.

Ҳамза райпишчеторги директори Қ. Раҳимжонов юқорида таъкидланган камчиликларни тан олган ҳолда баъзи фикрларни билдирди:

— Савдо қонун-қоидаларини қўпол равишда бузган икки ходимни яқинда ишдан ҳайдамоқчи бўлдик, — деб давом этди у, — лекин тармоқ касаба союз комитети розилик бермади. Касаба союзнинг ўзи ишчи назоратининг фикрига қарши бўлаётгани ажабланарли. Юқори ташкилотлар бизга фалон тадбир учун камчил моллар йиғиб қўйинг, деб оғзаки буйруқ беришди. Ёзма ҳужжат беришмайди. Текширувда яширилган озиқ-овқат маҳсулотлари деб қайд этилади. Яна биз айбдор бўлиб қолаверамиз. Қонун-қоида ҳамма учун баробар бўлиши керак.

Йиғилишни олиб борган шаҳар савдо, маиший хизмат, умумий овқатланиш корхоналари ишини назорат қилувчи мувофиқлаштириш кенгаши раиси Д. Ғуломова магазинларда камчил молларни яширгани сотиш ҳамон камаймаётганлигини, савдо ташкилотлари раҳбарлари тартиб ўрнатиш юзасидан етарли ташкилий-тарбиявий ишларни амалга оширмаётганликларини, ишчи назорати комиссиялари ҳам талаб даражасида ишламаётганликларини, назоратчилар берилган ҳуқуқлардан тўла фойдалана олмаётганликларини, район мувофиқлаштириш кенгаши назоратчилар фаоллигини, малакасини ошириш юзасидан етарли чора-тадбирлар кўрмаётганлигини таъкидлади.

Б. ПУЛАТОВ.



● Насиба Аъзамова Тошкентдаги «Комфорт» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасининг пешқадам ишчиларидан ҳисобланади. Ўз касбини пухта эгаллаган бу қолипловчи нормани ҳар сменада ошириб адо этмоқда. Ишининг сифати ҳам яхши бўлаяпти.

У. Усмонов фотоси.

ХАРАЖАТ ТЕЖАЛАДИ

Пирназар Маназаров бошчилик қилаётган бригада бу йил ҳам 60 гектар майдонда деҳқончилик қилмоқда. Баҳор келиб, ер етилиши билан бригадир Ўғиллари — Маҳмуд ва Мўминларни ёнига олиб ишга киришди.

— Бу йил ҳар гектар майдондан 120 центнердан картошка олмоқчимиз, — дейди бригадир. — Бу ҳосилни етиштириш учун 178 минг сўм ажратилган. Ҳар бир тадбир ўйлаб, пишиқ-пухта амалга оширилса, ажратманинг ярмини иқтисод қилиш мумкин.

Номоз Умурзоқов бошчилик қилаётган бригада деҳқонлари ҳам ана шундай меҳнат қилишмоқда.

Оҳангарон районидаги Серго номли совхознинг иккала бригадасида айни пайтда картошкага дастлабки ишлов бериш бошлаб юборилди.

М. ҚАЮМОВ.

• Область партия комитети пленуми олдидан

Тошкент область партия комитетининг навбатдаги пленумига қизғин тайёргарлик кўрилаяпти. Унда КПСС Марказий Комитети март Пленуми талаблари асосида агросаноат комплексини жадал ривожлантириш ва Озиқ-овқат программасини ҳал қилиш соҳасидаги долзарб вазифалар муҳокама қилинади. Пленумда қилинадиган докладда қишлоқ коммунистлари фаолияти, агросаноат комплекси бошланғич партия ташкилотлари иш услуби ва методи қай тарзда акс эттирилгани маъқул, қайта қуришнинг ҳозирги босқичида қандай муаммолар пайдо бўлаяпти, уларни қай тарзда ҳал этиш мумкин? Шаҳар, район партия комитетлари ташкилий бўлим мудирлари, йирик партия ташкилотлари секретарларининг давра суҳбатида шу саволлар ўртага ташланди.

Сўзга чиққан нотиқлар партиявий ишларни қайта қуриш, раҳбарликнинг снёсий усулларини эгаллаш бўйича тўпланган дастлабки тажрибалар билан ўртоқлашдилар. КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорлари асосида агросаноат комплекси коммунистлари бажарилиши лозим бўлган вазифалар устида тўхталдилар. Билдирилган таклиф ва мулоҳазалар пленумда қилинадиган докладда ўз ифодасини топади.

ҚИШЛОҚ КОММУНИСТЛАРИ АВАНГАРД БЎЛСИН

Суҳбатни область партия комитети ташкилий-партиявий ва кадрлар иши бўлими мудирининг ўринбосари И. Г. Яковлев бошлаб берди.

— Ҳозир қишлоқда 1,5 мингдан ортиқ бошланғич партия ташкилотлари фаолият кўрсатяпти, — деди у. — Улар сафига 47 мингдан ортиқ коммунист бирлашган. Бу катта кучдир. Озиқ-овқат программасини ҳал этиш, меҳнаткашлар дастурхонини юз-пеш маъ-куриш мумкин. Умуман область бўйича 117 та бўлинмада уч ва ундан ортиқ коммунист бўлгани ҳолда қуйи партия ячейкалари тузилмаган.

Қишлоқда партиявий таъсирни кучайтириш ҳам муҳим вазифадир. Кейинги пайтларда партияга қабул масаласи билан жойларда дурустроқ шуғулланилмаяпти. Чорвачилик фермаларининг 91 тасида бирорта ҳам коммунист йўқ. Партияга қабул қилинаётганларнинг аксарияти идора ходимлари бўлиб қолаяпти.

Давра суҳбатида коммунистлар аттестациясининг бориши ҳам чуқур таҳлил қилинди. Кўпгина ташкилотларда аттестация талабчанлик билан ўтаяпти. Ўтган даврда ҳар 9 коммунистнинг бири шартли равишда аттестация қилинган бўлса, 1200 коммунист умуман аттестациядан ўта олмади. Уларнинг 600 нафардан кўпроғи партия сафларидан чиқарилди.

Лекин коммунистлар аттестацияси бошланганига анча вақт бўлиб қолган бўлса-да, айрим ташкилотлар бу ишга ҳамон киришмаганликлари кишини ажаблантиради. Янгийўл агросаноат комплексида 6 та, Чиновда 2 та ташкилотда ҳали коммунистлар аттестацияси бошланганча йўқ. Оққўрғон, Бўка, Тошкент районларида коммунистларнинг атиги 20—22 процента аттестациядан ўтказилди холос. Шуни ҳам айтиш керакки, кўп жойларда аттестация комиссияларининг мажлислари хўжакўрсин учун ўтказилмоқда. Бўстонлиқ, Оржоникидзе, Тошкент районларида планларни барбод қилаётган, интизомсиз коммунистлардан қаттиқ талаб қилинмаяпти. Улар аттестациядан силлиқ-ғуж ўтиб олишаяпти.

Коммунистлар аттестацияси партиявий кучлар кўриги, тарбия мактаби эканлигини илмий муассасаларда ҳам унутиб қўймоқдалар. Кейинги ўн йиллик давомида пахта ҳосилдорлиги ошмай бир даражада туриб қолаётганлиги, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришдаги қолоқлиқда олимларнинг ҳам айби бордир. Лекин аттестация пайтида коммунист олимлар олдига кескин талаблар қўйилмаяпти. СоюзНИХИ, пахтачилик селекцияси илмий-текшириш институтлари, машинасозлик бўйича давлат конструкторлик бюроси партия ташкилотларида коммунистлар аттестациясига навбатдаги оддий бир тадбир деб қараляпти. СоюзНИХИда шофер ва оддий ишчидан бошқа барча коммунистлар енгилгина аттестациядан ўтказилди. Бу аҳволда ташаббуссиз, қолоқ, лоқайд коммунистлардан қачон қутуламиз? Улар партия сафларида ортиқча юк бўлиб қолаверадилар-ку, ахир!

Область партия комитети масъул ташкилотчиси В. П. Осипов суҳбат мавзуини ишлаб чиқаришда коммунистлар қандай жойлашганлигига қаратди. Кейинги йилларда Бўка, Оҳангарон районларида етакчи тармоқ вакилларидан партияга қабул қилиш камайиб кетди. Коммунистик районидаги «Политотдел» колхози фермасида бузоқбоқарлардан умуман коммунистлар йўқ. Оққўрғон, Бекобод районларида ҳам ишчи ва колхозчилар ҳисобига партия сафларини ўстиришга эътиборсизлик қилинмоқда.

Қайта қуриш жараёнида агросаноат комплекси хўжаликлари прогрессив усулларни қўллашга ҳаракат қилмоқдалар. Учрашувда Олмалиқ гўшт комбинати коллективи тажрибаси алоҳида тилга олинди. Корхона ўтган йилнинг ноябридан бошлаб ижара усулида ишлаяпти. Бу усул қандай самара бераётганлиги ҳақида комбинат партия ташкилотининг секретари Б. Убайдуллаев сўзлаб берди. Қисқа вақт ичида бу ерда иккиламчи масалиқлардан 11 хил маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу тадбир комбинатга катта фойда келтираяпти. Қўшни корхоналар билан тузилган шартнома ўзаро манфаатли бўлаяпти. Комбинат шаҳардаги бошқа корхоналарга гўшт маҳсулотлари етказиб берса, улар техник жиҳатдан ёрдам бермоқдалар. Биргина конметаллургия комбинати 150 минг сўмлик ёрдам кўрсатиш мажбуриятини олган.

Эндликда кўп ва сифатли ишлашдан ҳар бир киши манфаатдор. Моддий манфаатдорлик ошганлиги туфайли ўтган квартал да 122 минг сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилди. Коллектив йил давомида 500 минг сўмлик, келаси йилда эса 1 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бериш мажбуриятини олган. Бундай тажрибани пленумда қилинадиган докладда алоҳида тилга олиб ўтса арзийди.

Қишлоққа оталиқ ёрдами кўрсатиш бўйича ҳам ишлар жонланиб қолди. Бу соҳада «Средазтрансстрой» трести билан Чиноз районидаги «Москва» колхози ўртасидаги ҳамкорлик диққатга сазовордир. Ҳар иккала коллектив уч йилдан бери ҳамкорлик қилиб келаяпти. Трест кучи билан колхозда 464 ўринли мактаб, бир қатор социал-маданий объектлар қурилди. Айни пайтда колхоз трестга ер, қишлоқ хўжалиги агрегатлари ва маҳсулотлар тақдим этаяпти. Мавжуд муаммолар ҳар иккала коллектив партия комитетларининг қўшма мажлисларида муҳокама қилиниб, ижобий ҳал этилмоқда. Давра суҳбатида иштирок этган трест партия комитети секретари Э. Ёқубов қишлоққа оталиқ ёрдами кўрсатиш бўйича тўпланган тажрибалар ҳақида гапириб берди.

Бекобод район партия комитети ташкилий бўлим мудири В. Илюхин ва бошқалар ҳам Озиқ-овқат программасини ҳал қилишга кўмаклашувчи муҳим таклифларни ўртага ташладилар. Бу вазифани бажармоқ учун шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги ҳамкорликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш зарурлиги уқтирилди.

Давра суҳбатида яна кўпгина таклифлар баён этилди. Докладда қуйи ячейкалар фаолияти, КПСС Марказий Комитетининг Тошкент область партия ташкилоти бўйича қабул қилган қарорини бажариш юзасидан қилинаётган ишлар, партияга танлашнинг икки йиллик системаси ҳақида ҳам фикрлар бўлиши тўғрисида истак билдирилди.

Суҳбатга область партия комитети ташкилий-партиявий ва кадрлар иши бўлими мудирининг биринчи ўринбосари С. Е. Москаленко якун ясади.

ИШЛАЙДИГАН БАҲОР БУ...

Шийпонга йиғилганларнинг бригадир, бригада кенгаши аъзолари, уларнинг фаолияти тўғрисидаги мунозараси қизиғандан қизиб борарди. Биров ундай деса, бошқаси бундай дер, бир тўхтамга келишолмасди. Бу баҳсга сувчи Турсун Элмуродов чек қўйди:

— Хўш, айтингларчи, — деди у босиқлик билан, — ким ёмон ишлади? Ким лоқайдлик қилди? Ким топширилган юмушга совуққонлик билан қаради? Ким у ёки бу масалани ҳал этишда адолатсизликка йўл қўйди? Ҳеч ким. Демак, кенгаш раиси, бригадиримиздан тортиб, аъзолари Баҳром Абдурахмонов, Абдусаттор Қамбаров, Роҳила Бозорбоева, Минаввар Саримсоқовалар садоқат билан меҳнат қилдилар. Бу йил ҳам ўзлари аъзо бўлиб қолишсин.

— Тўғри! Тўғри!.. — ҳамма унинг таклифини қўллаб-қувватлади.

Йиғилиш тугади. Деҳқонлар бирин-кетин дала бошига, ариқ чопилаётган томонга йўл олдилар. Исроил Бойбўтаев ҳам улар билан бирга борарди. Унинг кайфияти чоғ эди: қандай яхши, ҳамма якдил, ҳамма астойдил, демак, бригадирлик қилаётганига саккиз йил бўлган бўлса, шу давр мобайнида яхши дўстлар орттирибман, одамларга суяниб, улар билан маслаҳатлашиб, қалбим буюрганига бўйсуниб тўғри иш қилаётган эканман, у дил-дилдан ювонди, яйраб кетди. Қўлига кетмон олиб ўзи ҳам ишга тушди...

Тошкент қишлоқ хўжалик институтини битирган йили Исроилни колхоз раҳбарлари бригадага бошлиқ қилиб тайинлашди. Болалигидан деҳқончилик иши билан таниш, кўзи пишиган эмасми, унга бу вазифа унчалик оғир кўринмасди. Аммо иш жараёни, деҳқончиликнинг нозик жиҳатлари, «икир-чикир»лар уни анча қийнади.

— Айниқса, шон-шараф ва довруқ кетидан қувишлар бир томонда, уйида нима бор, турмуши нима бўлаётганини билмай, саратон қуёши остида бир парча қуруқ нонни сувга ботириб еб, пахта шунақа, пахтакорлик шундай, дея куйиб-ёниб меҳнат қилувчи заҳматкаш деҳқон бир томонда бўлган пайтлар жуда оғир бўлди, — дейди у. — Кўпчиликнинг имони, виждони худди шу даврда имтиҳондан ўтди.

• ЛАВҲА •

Исроил мана шу кўпчилик томонида, деҳқонлар манфаатини кўзлаб иш кўрди. Ер-сувга эгалик ҳуқуқини ҳимоя қилиб, ҳеч кимга ёмонлик ишлатмасдан, ҳеч кимга ёмонлик ишлатмасдан, ҳеч кимга ёмонлик ишлатмасдан

• МАҲАЛЛАЛАРДА НАВРЎЗ БАЙРАМИ

ҲАММАГА ҲАЛИМ ТОРТИЛДИ

...Шу куни ҳавонинг авзойи анчагина бузуқ бўлишига қарамай маҳалла клубига келаётган одамлар оқимининг кети кўринмасди. Ҳамма мамнун, бир-бирини Наврўз айёми, баҳор байрами билан қутлайди. Бу кунга жиддий тайёргарлик кўриб, катта — ташкилотчилик ишларини амалга оширган маҳалла отахонлари тавозе билан меҳмонларни қарши олишмоқда.

Ёш-яланглар ҳам ўзларини ҳеч нарсадан ҳадиксирамасдан, ҳаммани ҳайратлантирадиган ҳунарларини намойиш этишмоқда. Ёшлар ўртасида ўтказилган турли-туман байрамларни кўтаринки руҳда ўтказиш, уруш ва меҳнат ветеранларини, кўп болали онахонларни шарафлаш кечалари ҳамиша уюшқоқлик билан ўтиши одат бўлиб қолган.

Бундай маросимлар кўнгилдагидек мазмун касб этишида маҳалла комитети активлари Қудрат Назаров, Собир Тошмуҳамедов, Ваҳоб Иброҳимов, Холхўжа Раҳматхўжаев, Рихсихўжа Раҳматуллаев, Тоир Султонов ва бошқаларнинг хизмати катта. Маҳалла комитетига салкам 30 йилдан бери раислик қилиб келаётган Улуғ Ватан уруши ветерани 80 ёшли Умар ота Нажимов ҳамиша барча ишларга бошқош.

— Кўп йиллардан бери мана шу «Гидростанция» маҳалла комитетига раислик қилиб келаяпман,— дейди отахон.— Бизда барча урф-одат ва расм-русумларни ҳамиша активлар билан келишган ҳолда, исрофгарчиликка йўл қўймайдиган даражада мазмунли ва ихчам ўтказиш одат тусини олган. Мана бу сафар ҳам кўпдан ният қилиб келган орзуга эришиб турибмиз. Интиқ бўлиб кутган байрамимиз — Наврўзи оламни муносиб нишонлаш мақсадида ҳалим тайёрлаб халққа тарқатишни кўнгилга тугиб юрган эдик. Бунга ҳам эришдик.

Азиз меҳмонларни шу куни райондаги Абдулла Қодирий номли маданият уйининг ҳаваскор санъаткорлари кўркам баҳорни тараннум этувчи ва классик куй-қўшиқлари билан хушнуд этиб, байрамга алоҳида файз киритдилар.

Шу куни ҳалимхўрликка келган меҳмонлар ва маҳалла аҳли учун ихчам китоб бозори ҳам ташкил қилинди. Куни кеча босмадан чиққан «Наврўзи олам бугун» китобчасининг тузувчилари ва Ўзбекистон ССР Журналистлар союзи Тошкент ташкилоти «Нур» ижодий уюшмасининг бир гуруҳ аъзолари, олимлар, ёзувчилар билан маҳалла аҳлининг ижодий учрашуви ҳам бўлиб ўтди. Айнан, халқимиз севиб нишонлайдиган улуғ айём Наврўзи олам шодиёналари кунида нашрдан чиққан янги китобча ҳақида унинг муаллифлари сўзлаб беришди, тўпламга киритилган мақолаларнинг авторлари дастхатлар ёзиб бердилар. Ҳалимхўрлик баҳонаси билан қанча-қанча дўст-ёронлар, турли маҳаллаларнинг меҳнаткашлари учрашдилар, давра қурдилар, суҳбатлашдилар.

М. МИРАЛИЕВ.

● **Суратларда: «Гидростанция» маҳалласида ўтказилган Наврўз айёми байрамидан фотолавҳалар.**

М. Назаров фотолари.





ҲАМКОРЛИКДА

Табиат ҳуснини кўз-кўз қилган, кишилар дилида ҳаётга, меҳнатга муҳаббат уйғотган Наврўзни Киров районидаги Оқтепа ва Тошкент районидаги Ленин участкаси маҳаллалари биргаликда нишонлашди. Учта дошқозонда ҳалим тайёрланди. Ўтган якшанба куни эрта тонгда сурнай наволари билан уйғонган маҳаллалар аҳлини мангулик хиёбонидаги майдонда ёшлар кутиб олишди. Йиғилганларни байрам билан анъанавий қутлаш маросимидан кейин улар дастурхонга таклиф қилиндилар.

Икки кун давомида Убайдулла Маҳкамов, Тошпўлат Қурбонов, Эркин Комилов, Минносир Шамсиев, Мирза Комилов, Жўра Пўлатов, Тўлқин Аҳмедов каби маҳалла активлари бошчилигида тайёрланган баҳор таомидан баҳраманд бўлганлар байрам ташкилотчиларига миннатдорчилик билдирдилар.

Куй ва қўшиқлар баралла янграган Наврўз тантаналари кечгача давом этди.

С. ҲАСАНОВ.

Шеър лапарга уланди

Наврўзга бағишланган ана шундай кеча 84-, 91-, 93-ётоқхоналарда ҳам бўлиб ўтди.

Х. ИЎЛДОШЕВ.

* * *

● Куни кеча М. Горький номидаги болалар истироҳат боғида Наврўз тантанаси ўтказилди. Унда областимизнинг турли районларидан ташриф буюрган деҳқонлар, уларнинг оила аъзолари иштирок этдилар.

Халқ лапарлари, миллий рақслар, аскиялар ижро этилди. Калинин районидаги «Саодат» аёллар фольклор ансамбли аъзолари ижросидаги куй ва қўшиқлар карнай-сурнай садоларига уланиб кетди. Йиғилганларни «Миробод» маҳалласи оқсоқоли — 82 ёшли Абдуқаюм Саъдиев муборакбод қилди.

Шу куни ҳаваскор театр артистлари, дорбозлар ўз санъатларини намойиш этдилар. Шаҳар умумий овқатланиш бошқармаси пазандалари тайёрлаган шарқ таомлари кўргазмаси кўпчилик диққатини жалб этди.

Ю. АХМЕТОВА.

* * *

● Бекобод район «Победа» колхозида ҳам Наврўз байрамини қизғин қарши олдилар. А. Қаҳҳор номли 48-ўрта мактаб стадионида мактаб ўқувчилари сумалак ва баҳор кўкатидан таомлар тайёрлашди. Байрамда колхоз маданият уйи концерт программаси намойиш этилди.

И. ҲАТАМОВ.

Наврўз байрамининг шўх садолари Студентлар шаҳарчасида ҳам янгради. Тошкент Давлат университети талабалари тайёрлаган кўк сомса, чучвара, сумалак сингари тансиқ таомлар байрам дастурхонини безади.

Айёмга шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар ҳамда файласуфлар ташриф буюрди. Мирза Кенжабоев, Ўктам Азимов, Абдулла Хушвақт ва Гулчеҳра Нуруллаева шеърларида баҳор, Наврўз талқин этилди. Шунингдек, журналистика факультети талабалари «Ёш келинкуёвлар» композициясини намойиш этиб, халқ лапарларидан ижро этдилар.

САВДОДА—ИЖАРА

СОТУВЧИ ҲАМ, ХАРИДОР ҲАМ МАНФААТДОР

Ҳамза «Райпишчеторг»нга қарашли Ф. Муҳамедов бошчилигидаги 28-магазин пойтахтимизда биринчилар қатори ижара пудратига ўтиб ишлай бошлади. Савдо шохобчасидаги ижара пудрати ҳақида мухбиримиз магазин директори билан суҳбатлашди.

— Авваломбор савдо шохобчамизнинг янги усулга ўтгунга қадар бўлган фаолияти ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтмоқчиман, —деди суҳбатдошимиз, — Ўша кезларда ҳам биз зиммамизга юклаган вазифа — харидорларга хизмат кўрсатиш планини ортиғи билан бажарар эдик. Аммо, унинг самараси кўринмас эди. Сотувчиларимиз маоши унчалик кўп эмас эди. Шу боисдан ҳам биз прогрессив иш усулларидан ҳисобланган ижара пудратига ўтишга қарор қилдик.

— Дастлабки натижалар қандай?

— Январь ҳамда февраль ойларида 15 минг сўм соф даромад олишга эришдик. Ҳисоб-китобларга кўра ҳар бир сотувчимиз бу эришилган ютуқлар ҳисобига камида 200 сўмдан маош олиши лозим.

— Бунга қандай қилиб эришдингиз?

— Маълумки, савдо шохобчаларида кўпгина сотувчилар олинган маҳсулотнинг қутиларини, яшчикларни у ердан бу ерга отиб, яроқсиз ҳолга келтирадилар. Бунинг натижасида кўплаб маблағ йўқотилади. Бизнинг магазинда эса бу ҳолларга барҳам берилди. Ана шу яшчик ва қутилар имкони борича бутунлигича сақланиб қолмоқда. Бу эса савдо шохобчамизга қўшимча даромад олиш имконини яратмоқда. Шунингдек, сотувчиларнинг харидорларга бўлган муомаласи ҳам кескин ўзгарди.

— Ушбу усулдан ким кўпроқ манфаатдор?

— Ҳар икки томон, яъни сотувчи ҳамда харидор десам янглишмаган бўламан. Шартномага кўра ижарачи магазинда ассортиментлар тўлиқ бўлмаса даромаднинг 2 процентини жазо сифатида ижарага берувчига тўлайди. Демак, биз магазинимизда доимо барча ассортиментдаги маҳсулотларнинг бўлишига интиламиз. Бундан ташқари сотувчилар томонидан савдо қонун-қоидалари бузилса, ижарага берувчи ижарачидан фойданинг 10 процентини ушлаб қолади. Кўринди турибдики, ана шу шартлар бажарилса, магазин ходимлари маоши анча ошади. Харидорларга хизмат кўрсатиш савияси ҳам юқори бўлади.

— Фойданинг қанча миқдори ижарага берувчига ўтказилади?

— Савдодан олинган соф даромаднинг 67,9 процента ижарага берувчи ҳисобланмиш Ҳамза «Райпишчеторг»ига ўтказилади. Шунингдек, 3598 сўмни ижара учун тўлаймиз.

— Магазин қандай имтиёзлардан фойдаланади?

— Биз «Райпишчеторг» бераётган маҳсулотларни реализация қилишдан ташқари республикамиз ҳамда бошқа қардош республикалар колхоз ва совхозлари, ферма ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналари билан бевосита алоқа ўрнатиб, улардан маҳсулот олиш имкониятига эгамиз. Шунингдек, мавжуд кооперативлар билан шартнома тузиб уларнинг маҳсулотларини ҳам реализация қилишга ҳақлидирмиз. Албатта нарх-навосини келишсак.

— Келгуси режаларингиз қандай?

— Айни кунларда биз магазинимизни кенгайтириш устида изланмоқдамиз. Яқин кунлар ичида тирик балиқлар билан савдо қилувчи аквариум очишни мўлжалламоқдамиз. Шунингдек, музқаймоқлар билан савдо қилувчи кафе ҳам бўлади.

А. ҲАКИМОВ.

СПОРТ

ЕШ ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ЮТУҒИ

● БРЕСТ шаҳрида 22—30 март кунлари ўсмирлар ўртасида мини-футбол бўйича Бутуниттифоқ финал ўйинлари бўлиб ўтди. 1974—1975 йилларда туғилган спортчиларнинг бу баҳсида областимиз спорт шарафини зонал мусобақалар ғолиби Владимир Бондаренко шогирдлари ҳимоя қилдилар. Тошкентлик футболчилар иккинчи мукофотли ўринни эгаллашди. Александр Ярочкин раҳбарлик қилган 17—18 ёшдаги футболчиларнинг «Политотдел» стадионида ўтган зонал беллашувларида эса вакилларимиз учинчи бўлдилар.

СПОРТ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИ БАҲСИ

● БАҲОРГИ таътил кунларида Тошкент шаҳри ва пойтахт области стадионларида болалар спорт мактаблари талабалари ўртасида спортнинг бадминтон, стол тенниси, баскетбол, волейбол, чим устида хоккей, футбол, шахмат-шашка турлари бўйича анъанавий мусобақалари бўлиб ўтди. Бу сафарги мусобақаларда Ашхобод, Чимкент, Иркутск шаҳарларидан келган ўқувчи спортчилар ҳам иштирок этдилар. Айниқса футболчиларнинг баҳслари қизиқарли ўтди. Ғолибларга собиқ пахтакорчи Геннадий Красницкий хотирасовринлари топширилди.

НАВБАТДАГИ ҚАБУЛ

«Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси ҳузуридаги жамоатчилик Совети навбатдаги қабулни эртага — 6 апрель пайшанба куни соат 17.00 дан бошлаб ўтказади. Бу сафар меҳнаткашларни жамоатчилик Советининг аъзоси, Тошкент шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Н. Турсунматов қабул қилади.

Жамоатчилик Советининг қабулхонаси: Ленинград кўчаси, 32-уй, 7-қават, 742-хонага жойлашган. Телефонлар: 33-40-48; 32-53-54.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИНИНГ ҚАБУЛХОНАСИ.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги М. Қориёқубов номли ўзбек давлат филармонияси

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

7,8 АПРЕЛЬ СОАТ 19.30 ДА

«ЁШ ИЖРОЧИЛАР САНЪАТИ»

М. ҚОРИЁҚУБОВ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ СОЛИСТИ

НУРИДДИН ҲАЙДАРОВ

КОНЦЕРТИ

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради. Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 14.00 дан бошлаб сотилмоқда.

КОЛХОЗЛАР, СОВХОЗЛАР, ТАЙЁРЛОВ ИДОРАЛАРИ, МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯЛАРИ, КООПЕРАТИВЛАР, ИЖАРАЧИЛАР, ОИЛАВИЙ ПУДРАТЧИЛАР, БОҒДОРЧИЛИК ШИРКАТЛАРИ ВА БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МУАССАСАЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ХИМИЯЛАШТИРИШ ЛОЙИҲА-ҚИДИРУВ СТАНЦИЯСИ ВА УНИНГ РАЙОНЛАРДАГИ АГРОХИМИЯ ЛАБОРАТОРИЯЛАРИДА

Ўсимлик маҳсулотлари (полиз экинлари, сабзавот, картошка, мева ва бошқалар)**да, тупроқ, сув таркибида қанча нитрат ва пестицид борлигини**

АНАЛИЗ ҚИЛИБ БЕРАДИ

Аҳолига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш, уларни тайёрлаш ва бирон ерга олиб боришга рухсат этувчи сертификатлар берилади, шунингдек ўғит ва тупроқнинг озуқалилигига таъсири ҳам анализ қилинади.

БАРЧА ТУРДАГИ АГРОХИМИК АНАЛИЗЛАР ҲАМ ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН, ҲАМ НАҚД ПУЛ ЭВАЗИГА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

Справкалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент области, Оржоникидзе райони, Семенная кўчаси, 8-уй. ЦИНАО биносида 4-қават (156, 165, 491-автобуслар, 10-маршрутли таксининг «Қишлоқ хўжалик институти» бекати).

ТЕЗЮРАР МОТОЦИКЛЛАР

ТЕЗЛИК, МАНЕВРЧАНЛИК, МУСТАҲКАМЛИК, ФОЙДАЛАНИШ ВА САҚЛАШНИНГ ОСОНЛИГИ

«ИЖ-ПЛАНЕТА 5», «ИЖ-ПЛАНЕТА 5К», «ИЖ-ЮПИТЕР 5», «ИЖ-ЮПИТЕР 5К»

МОТОЦИКЛЛАРИНИНГ АЖОИБ ХИСЛАТЛАРИДИР.

Унча олис бўлмаган масофага сайр қилишда тенги йўқ бу мотоцикллар узоқ йўлга ҳам, йўлсизликка ҳам бардош бера олади, тоғ йўлларидан юриш ҳам уларга писанд эмас.

«ИЖ-ПЛАНЕТА 5К» ва «ИЖ-ЮПИТЕР 5К» аравачали мотоцикллари қишлоқ аҳолиси учун, шунингдек, овчилар, балиқчилар, асаларичилар учун айниқса қулайдир. Ахир уч ғилдиракли бундай машиналарнинг сиғимдор аравачаларида фақат йўловчиларнигина эмас, балки юкларни ҳам ташиш мумкин-да.

«ИЖ-ЮПИТЕР 5К» мотоциклининг ВМЗ 9.203 ён прицепи 120 килограммгача оғирликдаги юкни ташиш имконини беради. Паст сифатли йўлларда юришни енгиллаштириш учун аравачадаги амортизаторнинг динамик юришини созлаш кўзда тутилган.

Мотоциклнинг ўзида эса, аввалги моделларга нисбатан, ёқилғи сарфи 10 процент камайтирилган, ишланган газларнинг заҳарлилиги пасайтирилган, двигатели дефорсацияланган, электр генераторининг қуввати 100 вт. гача оширилган.

ПОЙТАХТ ОБЛАСТИДА ЯШОВЧИЛАР

ДИҚҚАТИГА!

Мураккаб рўзғор техникасини сотиш бўйича ихтисослашган фирма магазини «ЗЕНИТ» ТЕХНИКА-САВДО МАРКАЗИ

нақд пулга

«ИЖ-ПЛАНЕТА 5», «ИЖ-ПЛАНЕТА 5К», «ИЖ-ЮПИТЕР 5», «ИЖ-ЮПИТЕР 5К» МОТОЦИКЛЛАРИНИ

ТАВСИЯ ҚИЛАДИ

Транспорт воситаларидан ташқари Сиз бу ерда:

холодильниклар, тиқув ва кир ювиш машиналари, майда рўзғор асбоблари — фенлар, дазмоллар, электр каминлар, фото ва киноаппаратураларни харид қилишингиз мумкин.

«Зенит» техника-савдо маркази Тошкент шаҳар, Ленин районидаги Чехов кўчаси, 10-уй (метронинг «Ойбек» станцияси)да жойлашган.

Магазин душанбадан ташқари ҳар куни соат 10 дан 19.00 гача ишлайди.

Танаффус — соат 14 дан 15.00 гача.

Маълумотлар олиш учун телефон 54-04-92.



«РАССВЕТ» МАРКАЗИЙ РЕКЛАМА-КОММЕРЦИЯ ТАШКИЛОТИ. «СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916; 325748, масъул котиб — 334808, 325353, масъул котиб ўринбосарлари — 32 5750; БЎЛИМЛАР: идеология — 325778; агросаноат — 325647; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий советлар ҳаёти — 325733; социал масалалар — 325556; маданият — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик — 325645; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи совет қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.

Р. 11674 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Б.—1578. Индекс: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12